

Одатий ёзув кўлини алмаштириш ҳолатини аниқлаш бўйича диагностик вазифаларни бажариш усулларини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоом Каримов «...бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур», деб таъкидлаган эдилар^{51 52}.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда суд-хатшунослик экспертизасининг ҳиссаси беқиёсдир. Эксперт-криминалистика хизматининг амалий фаолиятида ушбу турдаги экспертиза кенг тарқалган турлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда хатшунослик экспертизаси, жами ўтказиладиган экспертизалар миқдорининг деярли 15 % ини ташкил қилади ҳамда унинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзгартирилган ёзувларни тадқиқ этиш билан боғлиқ вазифалар хатшунослик экспертизасининг энг мураккаб вазифаларидандир. Бу биринчи навбатда, ёзувни ўзгариши ёки ўзгартирилишига у ёки бу тарзда таъсир қилувчи ва «бузувчи омиллар» деб аталувчи омилларнинг кўплигига боғлиқ.

Ёзувнинг барча мавжуд ўзгаришларини қуйидаги икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ёзувни табиий ўзгаришлари (табиий ва патологик).
2. Ёзувни атайин ўзгартиришлар.

Ўзгартирилган ёзувлар, шунингдек одатий ёзиш кўлини алмаштириш билан бажарилган ёзувлар тадқиқотларини икки асосий вазифа - диагностик ва идентификацион вазифаларни ўзаро бирлаштирган ҳолда ўтказиш ўзига хос хусусият ҳисобланади. Ушбу вазифаларнинг мустақил аҳамияти муайян эксперт вазифалари билан аниқланади.

Одатий ёзиш кўлини алмаштириш ҳолатини аниқлаш бўйича диагностик масалани хоҳ мустақил, хоҳ оралиқ вазифа сифатида ҳал этишнинг тузилиши, биринчидан, таққослаш учун материалларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан, иккинчидан, қўлёзма матн

* ИИВ Академияси 4-ўқув курси тингловчиси.

⁵² Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т., 2010. - Б. 56.

ижрочиси ҳақидаги хулосанинг тури билан аниқланади. Такқослаш учун материаллар бўлмаса ёки қўлёзма матн ижроси ҳақида салбий хулоса мавжуд бўлганда, диагностик тадқиқотларнинг қисқартирилган схемаси қўлланилади. Идентификацион масалани ҳал этишнинг тузилиши эса, у мустақил вазифа ёки оралиқ вазифа сифатида ҳал этилишига қарамасдан ўзгармаслиги лозим.

Одатий ёзиш қўлини алмаштириб бажарилган қўлёзма матнларнинг экспертиза тадқиқотлари қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- экспертиза объектларининг дастлабки тадқиқотлари босқичи;
- экспертиза объектларининг батафсил тадқиқотлари (алоҳида ва такқослаш тадқиқотлари) босқичи;
- такқослаш тадқиқотларнинг якуний баҳолаш босқичи;
- тадқиқот натижаларини шакллантириш босқичи.

Ёзувнинг умумий идентификацион белгиларини солиштириш. Умумий идентификацион белгиларни солиштириш бир вақтда ҳам жадвал-ишланмалар, ҳам такқосланаётган объектлар бўйича амалга оширилади.

Агар белги, текширилаётган қўлёзма ва ноодатий қўл билан бажарилган намуна-ёзувларда бир хилда ифодаланган бўлса ёки одатий ва ноодатий қўл билан бажарилган намуна-ёзувлардаги бел- гилар билан мос келса (бундай хусусий белги «очик» белги, яъни ёзув қўлини алмаштиришга нисбатан турғун деб аталади) ўхшаш белги деб олинади.

Ҳар икки қўлда бажарилган ёзувларда фарқлар қайд этилган ёки ноодатий қўл билан бажарилган ёзувларда фарқлар аниқланган бўлса, фарқ қилувчи белги деб ҳисобланади. Бу ҳолда одатий қўл билан бажарилган намуна-ёзувлардаги ўхшашликлар эътиборга олинмайди, чунки, ёзиш қўлини алмаштиришда белгини сақланиши эмас, унинг ўзгариши керакли хусусият ҳисобланади.

Ушбу босқичда айрим ҳолларда, текширилаётган шахсни тахминий ижрочилар қаторидан чиқариш масаласини ижобий ечиш мумкин. Чунки, ноодатий қўл билан ёзиш кўникмаларини махсус машқдар- сиз ошириш мумкин эмас. Агар текширилаётган қўлёзмада ноодатий қўл билан ёзиш даражаси тахминий ижрочининг намуна-ёзувларидагига қараганда юқори бўлса, ушбу белгининг фарқланиши айният йўқлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлади. Бунда тадқиқотлар учун намуна-ёзувлар олишда бузувчи омилларнинг қўшимча таъсирини инкор этиш имконини берадиган, етарли ҳажмдаги ва сифатли такқослаш материалларининг мавжуд бўлиши зарурий шарт ҳисобланади.

Умумий идентификацион белгиларнинг ўхшаш бўлиши турли шахсларнинг ноодатий ёзиш қўли билан ёзувларни бажара олиш

кўникмаларининг бир хил даражалари натижаси бўлиши мумкин. Шу билан бирга, кўшимча бузувчи омиллар бўлмаганда умумий белгиларнинг ўзаро фарқланиши, айният йўқлиги ҳақидаги тусмолни янада кучайтиради.

Ёзувнинг хусусий идентификацион белгиларини солиштириш. Хусусий идентификацион белгиларни солиштиришнинг мақсади таққослаш жараёнида аниқланган белгиларни ўхшаш ёки фарқланувчи белгиларга ажратишдан иборат. Одатий ёзиш қўли алмаштирилганда ушбу вазифани бажариш, тақсимланиши ёзиш белгилари доирасида тасодифий элементига эга ҳаракатларни координацияси камайишининг I ва II гуруҳлари белгиларининг яққол ифодаланганлигининг мавжудлиги билан қийинлашади. Ушбу ҳолат таққослаш жараёнига катта субъективлик киритади. Одатий ёзиш қўли алмаштирилиб бажарилган ёзувларда, ўзгармаган ёзувга хос белгиларнинг тўлиқ ва аниқ ўхшашлиги жуда кам учрайди. Бу каби ўзгартирилган ёзувларда кўпроқ қисман тўлиқ ва тахминий ўхшашликлар учраши мумкин. Ўхшашликлар ва қисман фарқланишларнинг хусусиятлари кўп ҳолларда ёзувларни бажаришдаги ҳаракатларнинг нотурғунлиги, метрик, фазовий-йўналишли, кам ҳолларда эса ҳаракатларнинг координацияланмаганлиги билан юзага келувчи конфигурацион белгилар билан боғлиқ. Бу ҳолда ўхшашликларни қайд этиш учун нафақат белгиларнинг тўлиқ ва аниқ мос келишини, балки текширилаётган қўлёзмадаги белгиларнинг турли вариантларини, худди шундай белгиларнинг намуна-ёзувларда тақсимланиш чегараларига мос келишини ҳам инобатга олиш зарур.

Ёзувнинг диагностик белгиларини баҳолаш. Ушбу босқичда диагностик белгиларни баҳолаш уларнинг ўзаро ўхшашлиги ва фарқланишини баҳолашни назарда тутаяди. Текширилаётган қўлёзма ҳамда тахминий ижрочининг одатий ёзув қўлини алмаштириш билан бажарилган намуна-ёзувларидаги диагностик («классик» ва «махсус») белгиларнинг мавжудлиги, ҳажми, хусусиятлари, ифодаланганлик даражаси, учраб туриш частотаси ва локаллашишига кўра худди идентификацион белгилар каби тўлиқ мос келиши фақат айнан ўхшаш ёзувларда кузатилиши мумкин. Шу боисдан, бу каби ўхшашлик нафақат ёзувга айнан бир хил бузувчи омил (кўрилаётган ҳолатда ёзувни одатий ёзув қўлини алмаштириш билан бажариш)нинг таъсири ҳақида гувоҳлик беради, балки экспертнинг ўзаро таққосланаётган ёзувларнинг ижрочиларини айнанлиги ҳақида хулоса чиқаришига имкон беради.

Диагностик белгиларнинг турлича намоён бўлиши қуйидагилар-

ни кўрсатади:

- қўлёзмаларни бир шахс томонидан бажарилганлигини турлича бузувчи омиллари (ноодатий ёзув қўли билан ёзувни бажариш ва ёзувнинг ишлов даражасини атайин ўзгартириш);

- таққосланаётган ёзувларнинг турли шахслар томонидан айнан бир хил шароитлар (ноодатий ёзув қўли билан ёзиш)да бажарилганлигини;

- текширилаётган қўлёзмаларни турли шахслар томонидан турли шароитларда бажарилганлигини.

Ноодатий ёзиш қўли билан бажарилган ёзувларда ҳарфларнинг ёзиш нормаларига яқин шаклдаги содда вариантлари, айрим белгиларнинг нотурғунлиги, белгиларнинг айрим хусусиятларининг ўхшашлиги ва ёзиш белгиси вариантлари доирасида тақсимланиши даражасининг юқорилигининг устуворлиги ўзаро ўхшаш белгиларнинг идентификацион аҳамиятини камайтиради. Ноодатий ёзиш қўли билан бажарилган ёзувлардаги хусусий белгиларнинг учраб туриш частотаси ва идентификацион аҳамияти бўйича махсус жадвал-ишланмалар, таққосланаётган ёзувлардаги белгиларнинг ўхшашлигини ҳолисона баҳолаш мезонларини аниқлашга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugay, Lyudmila. "Biometric identification as an innovation in criminalistics." *Society and innovations, Special 07* (2022): 289.
2. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).